



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halsuzi@uzpak.uz

2002 йил 23 октябрь, №229 (3057)

Чоршанба

Олий Мажлисида

Кунги кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасининг ташаббуси билан «Давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда Европа Иттифоқи Комиссияси ТАСИС дастури доирасида Олий Мажлисида фаолият юритаётган «Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга қўмаклашиш» лойиҳасининг экспертлар гуруҳи томонидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокама этилди. «Давра суҳбати»да Олий Мажлис депутатлари, Олий Мажлис Котибияти ходимлари, Адлия вазирлиги, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар қатнашди.

Қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

Бу қонун лойиҳалари Ўзбекистонда олий қонунчилик ҳокимияти институти ислоҳотининг бугунги муҳим босқичида икки палатали парламент тизими-га ўтишни амалий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилувчи дастлабки қонун лойиҳалари ҳисобланади.

Бу ишлар «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ҳамда 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг яқунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари асосида олиб борилмоқда.

Европа Иттифоқи Комиссиясининг мазкур дастурини Ўзбекистонда амалга ошириш давомида лойиҳа бўйича ҳамкорлар демократлаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда бўлажак парламентга доир муҳим қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни ҳам устувор вазифа сифатида белгиланди.

Бир неча ой давомида Ўзбекистоннинг бўлажак парламент фаолиятининг асосий жиҳатларини қамраб олувчи икки қонун лойиҳаси бўйича қизгин иш олиб борилди. Экспертлар томонидан кўп

мамлакатларнинг мавжуд икки палатали парламент модели қиёсий таҳлил қилиниб, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда юқори ва қуйи палаталар бўйича Концепция ва икки қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

«Давра суҳбати» давомида унинг иштирокчилари муҳим концептуал фикр ва мулоҳазалар, аниқ таклифлар, тавсиялар билдириди. Улар ТАСИС дастури-нинг экспертлари томонидан эътиборга олиниб, қонун лойиҳалари қайта кўриб чиқилди ва Олий Мажлисида ҳамда тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссияси тақдим этилди.

Яқинда ТАСИС лойиҳаси томонидан ташкил этилган мутахассислардан иборат гуруҳ хорижга сафар қилган эди. «Давра суҳбати» иштирокчилари уларнинг Бундестаг, Бундестаг (Германия), Европарламент (Бельгия) ҳамда Франциянинг Сенат ва Миллий Ассамблеяси фаолияти билан яқиндан танишиб, иш амалиётини ўрганиб қайтганликлари ҳақидаги ахборотларини ҳам эшитди.

Ойбек РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Автомобиль учун бутловчи қисмлар

Асака автомобиллари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди: Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида «Ўзжохи» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилди. Бу ерда 15 турдаги сим ўрамалари тайёрланмоқда.

СУРАТДА: цех бошлиғи Муҳайё Эшонова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Қишлоқ муаммоларига эътибор

Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва республика-миз бошқа ташкилотларининг 2002 йил 9 ойи мобайнида қишлоқ аҳоли пунктларини газ ва сув таъминоти тармоқларига улашга доир вазифаларни бажариш бўйича амалга оширган ишлари яқунлари таҳлил қилинди ҳамда ушбу йўналишда 2002 йил IV чорагидаги вазифалар белгиланди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Комиссия раиси Р. АЗИМОВ бошқарди. Мажлисида таъкидланганидек, 2002 йилнинг ўтган даврида қишлоқда 1443 километр сув ўтказиш тармоқлари ва 2418 километр газ ўтказиш тармоқлари барпо этилди ҳамда фойдаланишга топширилди. 369 та қишлоқ аҳоли пункти ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 236 та қишлоққа табиий газ улан-ди. Газ таъминоти тармоқ-ларини қуриш бўйича иш-лар суръати ўтган йилга нисбатан 110 фоизни, сув таъминоти бўйича эса 109 фоизни ташкил қилди. Умуман, қишлоқ аҳолиси-ни табиий газ ва ичимлик

суви билан таъминлаш дастурини амалга оширишга кетган сарф-харажатлар қиймати 13,2 миллиард сўмдан ошди.

Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари ва республикаимизнинг қатор туманлари ушбу муҳим ижтимоий вазифаларни амалга оширишда ижобий натижаларга эришти.

Андижон вилоятининг Марҳамат туманида узун-лиги 13,7 километрли магистраль газ қувури ва газ тақсимлаш станцияси қурилиши ниҳоятга етди. Бу эса ушбу вилоятдаги

(Давоми 2-бетда).

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР ЗИЁРАТИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Польша Республикаси Президенти Александер Квасневский 22 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Утқир Султонов ҳамроҳлигида Бухорога ташриф буюрди.

А. Квасневскийнинг қадимий Бухоро билан танишуви IV асрда бунёд этилган Арк қалъасидан бошланди. Сўнг олий мартабали меҳмон Сомонийлар мақбараси, Масжиди Калон, Минораи Калон, Мирараб мадрасаси масжиди, Лаби ҳовуз мажмуи каби тарихий обидаларни томоша қилди. Бухоро хунармандлари, зардувлари, гиллабоблари, темирчилари, заргарлари ясаган буюмларнинг Тоқи Саррофон, Тоқи Заргарон, Тоқи Теллақфуршон сингари қадимий савдо расталарида ташкил қилинган кўрғазмалар билан танишди.

Шу кунги меҳмон Самарқандга ташриф буюриб, бу қадим шаҳардаги Регистон мажмуи, Гур Амир мақбарасини томоша қилди. Польша раҳбари Ўзбекистонда аждодлар хотираси, улар қолдирган улкан меросга эҳтиром кучли эканлигига амин бўлганини таъкидлади.

Олий мартабали меҳмон Сибё бозорига бориб, савватли ўзбек заминидан етиштирилган неъматлардан, Самарқанднинг маш-

хур ноиларидан татиб кўрди. Польша раҳбари Самарқандда истиқомат қилувчи поляклар билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, барқарорлик, турли миллатга мансуб фуқароларнинг маданияти, тили, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга бўлган эътибор кучли эканлиги таъкидланди.

Ўз таассуротлари билан уртоқлашар экан, А. Квасневский, жумладан, қуйидагиларни айтди: — Бухоро ва Самарқанд гоёта гўзал шаҳарлар экан. Бу қадимий гўшаларга келишни кўпдан орзу қилардим. Польшада замонавий Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиш қаторида унинг қадимий обидалари ва ноёб маданияти меросига қизиқиш ҳам кучли. Уйлайманки, серкүёш юртингизга ҳали минглаб сайёҳлар келиб, бу қадимий шаҳарларни зиёрат қилади ва олам-олам таассуротлар олади.

Илҳом САФАР,
Уйғун РҲҲИЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

Президент асарлари билимдони танлови

Вазирлар Маҳкамаси шу йил 3 августда «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қароридан, жумладан, энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва илмий-маърифий асарларни чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Маланият ишлари вазирлиги мазкур қарорнинг ижроси доирасида оммавий кутубхоналар ходимлари ўртасида «Президент асарлари билимдони» танловини эълон қилди.

Танлов ҳайъатидан ЎЗА мухбирига маълум қилишларича, унда 5709 кутубхона ходими иштирок этди. Танлов шу йил 20 декабрда яқунланади.

Элбек ХОЛИҚОВ.

Жамғарма

конференцияси

2002 йил 22 октябрь кунини «Соғлом авлод учун» жамғармасида конференция бўлиб ўтди. Унда жойларда жамғарманинг фаолияти, Онда, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси, соғлом авлод тарбиясини янада кучайтириш ва такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, соғлом авлод жамғармасининг Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги ҳақида қарор қабул қилинди.

Анжуманда ташкилий масала ҳам кўрилди. «Соғлом авлод учун» халқро ҳайрия жамғармаси бошқаруви раиси этиб, аввалда Андижон вилояти I-болалар касалхонасининг бош шифокори лавозимда ишлаган, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви кенгаши аъзоси, Иномова Светлана Турсунходжаева сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Фуломов қатнашди.

Сўнгги хабарлар

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасида «Журналистлар учун тендер мактаби» мавзусида семинар ўтказилди.

Журналистлар анжумани

— Семинардан кўзда тутилган мақсад журналистлар билан тендер хусусида батафсилроқ фикр-мулоҳаза олиниши бўлишидир. — дейди ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили М. Барри Лейн.

Семинар иштирокчилари хотин-қизларнинг шахсий, репродуктив ҳақ-хуқуқларининг амалга оширилиши, уларни ҳимоялашга оид халқаро ва миллий қонунлар, аёللарнинг сиёсий ҳаётга иштирок этиш ҳуқуқлари сингари кўпга мавзуларда маърузалар тингладилар.

Янги тиббий марказ

Янгиёул шаҳрида барча қулайликларга эга, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган болалар шифохонаси иш бошлади. Бир йилда 2500 беморга маалакли тиббий хизмат кўрсата оладиган ушбу шифо масканидан нафақат янгиёулликлар, балки қўшни Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Чиноз туманларидан келган беморлар ҳам даволанишди.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташаббуси билан «Биотехнологиянинг амалий жиҳатлари» мавзусида халқаро анжуман иш бошлади.

Мамлакатимиз олимлари биотехнология соҳасида юқори технология ишланмалар яратишга қаратилган фаол олим тадқиқотлар олд бораётганини анжуманининг айна юрти-мизда ўтказилишига сабаб бўлди.

Анжуманда иммуни танқислиги вирус инфекциясининг табиатини ўрганиш бўйича энг сўнгги ютуқлар, ОИТС инфекциясига йўлқандларни

Биотехнология — умр узайиши демак

аниқлаш ҳамда ташхисий тест-системаларининг янги авлодини яратиш кенг муҳокама қилинди.

Биотехнологиялар янги вакциналар ва дори препаратлари ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бу борда Генетика ва ўсимликлар экспериментал молекуляр генетика лабораториясида бакуловирус технологияси асосида рекомбинант оқсиллар олиш усули ишлаб чиқилган. Ушбу антигенини ажратиб ва тозалашда Биологик кимё институти билан ҳамкорлик қилинган. Янги усул Ўзбекистон Респуб-

ликаси патенти билан ҳимояланган.

Анжуманда биополимерларнинг тузилиши ва функциялари, тиббиётда ҳужайра биотехнологияси ва биологик ҳавфсизлик, биотерроризмга бағишланган маърузалар унинг қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотиши, табиий.

Тадбирда Ўзбекистон, Қозғистон, АҚШ ва Россиянинг етакчи олимлари иштирок этмоқда.

Анжуман 25 октябргача давом этади.

Муфтилло ЮСУПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АХБОРОТ

Мансабдор шахслар томонидан содир қилинган суиистеъмолчиликлар ва пора-хўриқ жиноятларига қарши кураш давомида қўлга олинган хуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат идоралари мансабдор шахслари суд ҳукми билан тегишли жазога тортилмоқдалар.

Навоий вилояти Навбахор тумани жиноят ишлари бўйича судининг раиси Улуғбек Рустамов ўз иш юритувидаги жиноят иш бўйича енгилроқ жазо тайинлаш учун фуқаро О.Шодиевдан 1500000 сўмни пора тариқасида олганида Миллий хавфсизлик хизмати ва прокуратура ходимлари то-

монидан ушланиб, суднинг ҳукми билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани прокуратураси ҳузурдаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти катта назир Даврон Эсанов «Шерободсало» ҳиссадорлик жамиятининг автотўқон мудир У. Нематовдан таъмагирлик йўли билан 300000 сўмни пора тариқасида олганини Миллий хавфсизлик хизмати ва прокуратура ходимлари томонидан ушланиб, суднинг ҳукми билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Корақалпоғистон Респуб-

ликаси Давлат солиқ бошқармаси катта назир Балтабой Дошанов «Жанубийгазуқурилиш» трестига қарашли 2-сонли автокорхонани текширишда аниқланган қонунбузилишларни далолатномада кўрсатмаслик эвазига корхона бошлиғи вазифасини бажарувчи Оғай Лев Семеновичдан 750000 сўмни пора тариқасида олганини Миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан ушланиб, суднинг ҳукми билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Бу йўналишдаги тадбирлар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот маркази.

Ижара ҳақини ким белгилайди?

Ҳурматли бош муҳаррир! «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 17 июль сонидан «Тадбиркор манфаати ҳамisha эътибордами?» сарлавҳаси остида эълон қилинган муҳабар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Нодир Хоннинг суҳбатини қизиқиб ўқидим. Шунда бизда бир қатор саволлар пайдо бўлди:

ки, уларага аниқроқ жавоб олиш мақсадида Сизга мактуб йўллашга қарор қилдим.

Авалло, шунинг айтиши керакки, мазкур суҳбатда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 18 январдаги «Тошкент шаҳридаги маъмурий биноларга қўлланиладиган ижара ҳақи ҳақида»ги 20-сонли қарорининг иловаси ҳам

Муносабат



келтирилган. Маълум бўлишича, ана шу қарорга мувофиқ, ижарага берилган савдо дўконларига бир йилда умумий майдонининг 1 квадрат метри учун тўланадиган ижара ҳақи 1500 сўм, умумий оқатиланиш шохоб-чалари учун 920 сўм, ишлаб

(Давоми 2-бетда).

«Обуна каталоги» инглиз ва рус тилларида «Интернет»га киритилган.

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг веб сайти («манзил вақти»): <http://mtu.uzpak.uz/uzbek.html>

Жамоатчилик асосида обуна уюштирганлик учун улар топширган нақд маблағнинг 0,1-1 фоизгача ҳақ тўланади.

Обунани расмийлаштириб, нашрларни муштарийларга etkazиб беришни зиммасига олган тадбиркор, меҳнат жамоаси ва маҳалла вакилларига шартнома асосида қўшимча рағбатлантириш пули берилади.

ҚИШЛОҚ МУАММОЛАРИГА ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

қараганда анча сўт олиб борилаётгани, Бухоро, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида эса газ тармоқларини фойдаланишга топширишда оқоқликка йўл қўйилган таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот, Мўйноқ, Бўзатов, Бухоро вилоятининг Қорақўл, Навоий вилоятининг Нурота, Наманган вилоятининг Чуст, Самарқанд вилоятининг Иштихон, Хоразм вилоятининг Хазорасп тумани 2002 йилнинг январь-сентябрь ойларида янада оширилган ишлар якунлари бўйича қишлоқ аҳоли истиқомат жойларини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш бўйича белгиланган топшириқларни бажаришда орқада қолаётгани қайд этилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Бўзатов, Бухоро вилоятининг Олот, Жондор,

Қорақўл, Қашқадарё вилоятининг Баҳористон, Муборак, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон ва Шўрчи туманлари газ тармоқларини ишга тушириш ҳамда қишлоқ аҳоли истиқомат жойларини газлаштириш тармоқларига улаш бўйича орқада қолаётди.

Вилоятлар ва ҳудудлар ҳокимлиқлари раҳбарларига идораларга қарашли ҳудудларда жорий йилда сув ва газ тармоқларини фойдаланишга топшириш, қишлоқ аҳоли истиқомат жойларига сув ҳамда табиий газ узатиш борасида белгиланган вазифаларни оғишмай бажариш мақсадида таъкидлий ишлар юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Шунингдек, Республика комиссиясининг ҳудудлар бўйича масъул аъзоларига жойларга бориб иш аҳолини ўрганиш ва жорий йилнинг қолган даврида белгиланган вазифаларни сўзсиз бажаришда амалий ёрдам

қўрсатиш топширилди.

Мажлис жараёнида табиий ва ёқилги-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш зарурлиги, бунинг учун барча жойларда улар сарфини ҳисобга олиш ишларини таъкид этиш, айнқисса муҳим эканлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлиқларига тураржой фондларини, айнқисса қишлоқ жойларни газ ва сув ўлчаш асбоблари билан жиҳозлаш бўйича ишлар суръати етарли даражада эмаслиги қўрсатиб ўтилди ҳамда қисқа вақт ичида уларни ўрнатишни тезлаштириш чора-тадбирларини белгилаш топширилди.

Республика комиссия мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Ижара ҳақини ким белгилайди?

(Давоми. Боши 1-бетда)

чиқариш билан учун 220 сўм этиб белгиланган. Ажабланиш, бу талабларга «Қўйлик» деҳқон бозори маъмурияти амал қилмапти. Ақсича, шу йилнинг ўтган ойлар ичида савдо дўканлари, умумий оқоватли иш-хоҳчаларнинг ҳам квадрат метр майдон учун ўттиз беш миң (35000) сўмдан ҳақ тўлашнинг талаб қилинаётган. Бунинг сабаби нима?

Бизнинг тушунишмишча, шаҳар ёки вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган қарор, фермойиш ва бошқа меърийдун ҳужжатлар шу ҳудуддаги барча идораларга тааллуқли бўлиб, уларга ҳамма бирдек амал қилиши шарт. Шундай эмасми? Афсуски, «Қўйлик» деҳқон бозори ҳудудида тадбиркорлар ва савдо хизмати билан шугуланишга ихтисослашган ижарадаги дўканларда ижара ҳақи бошқа, сичине газетанингизда келтирилган рақамлар бошқа. Бун қандай тушуниш керак?

Шу ўринда бизнинг мулоҳазаларимиз ва газетадagi суҳбатдан жавоб ололмаган саволларимизга Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари ёки бозор маъмурияти «Бозор ҳиссадорлик жамияти, шунинг учун ижара ҳақини шу белгилайди» деб жавоб беришлари ҳам мумкин. Хўш, шундай бўлсин ҳам дейлик, лекин ҳиссадорлик жа-

метр майдон учун 35 миң сўм нарх қўйилганини эшитиб, ҳайрон бўлишди.

Муддаомиз шунки, «Қўйлик» деҳқон бозори ҳудудида тадбиркорлик ва савдо хизмати билан шугулланаётган биз, тадбиркорларни ўйлантираётган ана шу саволларга Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мутасаддилари аниқ жавоб беришларини сўраймиз. Чунки бугунги кунда ҳар квадрат метр жой учун ўттиз беш миң сўмдан ижара ҳақи тўлаш биз учун оғирлик қилмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватланаётган бир пайтда ҳеч қандай иш ва тушуниришларимиз ижара ҳақини оширишни ҳаммамиз учун бироз гайритабиий туюлмоқда.

Сизга чўқур ҳурмат билан, Тошкент шаҳар, Бектемир туманидаги «Қўйлик» деҳқон бозори ҳудудида фаолият кўрсатаятган бир гуруҳ тадбиркорлар номидан:

- З. РИХСИЕВ, «Барот ота» масъулияти чекланган жамияти раҳбари,
- У. АБДУЛЛАЕВ, хусусий тадбиркор,
- А. МАЛЛИКОВ, хусусий тадбиркор,
- Ш. ҚОСИМОВ, «Тўбус муҳандис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари,
- Е. ХАН, «Миргайрловсадо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари,
- Ш. АЛИСЛОҒОВ, «Тоштемур ота» хусусий корхонаси раҳбари,
- М. АЛИМОВ, «Мархабо-Олимжон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари,
- Р. СОАТОВ, хусусий тадбиркор,
- И. АБДУРАҲИМОВ, хусусий тадбиркор,
- Х. ОЛИМҲУҲАЕВ, «Зулхумор» масъулияти чекланган жамияти раҳбари,
- Ф. МУҲИДДИНОВ, «Фазлиддин ота» хусусий корхонаси раҳбари ва бошқалар.

Пайариқлик пахтакорлар

кино ҳам кўрмайди, китоб, газета-журнал ҳам ўқимайди, маданият уйи узоқ, санъаткорлар эса уларнинг олдига боришмайди

Икки дугона пахтазордан кўтариб чиққан этак-етак пахтасини тарозига қўйди. Гузалники 20 килограмдан ортиқ тош боқди.

— Тушликкача 60 килодан ошди, — дея мамнун жилмайди, у дугонасига қариб.

— Мен ҳам орта қолаётганам йўқ, — дея Раъно пахта тўла этакларни тарозига қўяр экан.

Тушликда уларнинг чой атрофидаги суҳбати янада қизиқди.

— Дугонажон, кечати беш кунликда 15 миң сўмга яқин пул олдим. Бу 5 кунликда меҳнат ҳақим яна ошди. Сенники ҳам меникидан кам бўлмаса керак?

Раънонинг бу сўзларидан Гузал негадир бошқачароқ таъсирланди.

— Уйлаб кўр, Раъно, биз кейинги кунларда мана шу пахтадан бошқа нимани қўраймиз? Кино, концерт томоша қилишдан нега бенависимиз? Газета нималгини билмасак, китоб ўқимасак...

— Тўғри, — дея Раъно, — ҳадям телевизор бор. Электрчиларимизга инсоф бериб чиқроқин учириб қўйишмаса, биздан нимадир кўриб турамиз-ку-я...

Мажидова ва Раъно Шермадова Пайариқ туманидаги «Каттақўрғон» ширкат ҳўжалигининг Чолмўйин қишлоғида яшашди. Улар Чолмўйинда ҳам, кўни қишлоқ Капада ҳам пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш борасида ҳеч қандай иш қилинмаётганини очик-ойдин айтишди.

Шу ҳўжалик ҳудудидаги «Раҳимжон Ҳамро Угли» фермер ҳўжалигининг ҳисобчиси

Ҳақ гап

Бахтиёр Сатаевнинг сўзлари ҳам дугоналар фикрларини яққол тасдиқлайди:

— Илгари кўча кинолар таъкид этиларди, — деди у.

— Ҳозир эса йўқ. Бунинг ўрнига киноларда ноқонуний видеосалонлар пайдо бўлди. Уларнинг эгаларига пул берилса, бас. Ҳатто ишларга алоқисиз фильмларни кўрсатишдан ҳам тойишмайди. Эҳтимол, кўча киноларни таъкид этишни мураккаб томонлари бордир. Аммо баъдий хаваскорларнинг далага келишини уюштириш ҳам қийинми?

Отақул Умаров номли ширкат ҳўжалигида бу йил 1250 гектар майдонда пахта етиштирилган. Айни пайтда ширкатчилар яқин ҳисолини 2390 тоннага етаклаш учун курашаётганлар. Лекин мавсум иштирокчилардан маданий-маиший хизмат ҳақинда сўрасангиз, елка қиснашди.

— Киноми? — дейди ҳўжалик тракторчиси Вайдулла Мармароқов. — Охириги марта қачон кўрганми эсломайман. Эртаю кеч ишдан бушамайман. Терим бошлангандан буён санъаткорлар ҳам далага келишмайди. Ҳўжаликда режа бажарилиш пайтда тўй қилмайди. Албатта, концертни ҳам шу кунга кўрсак керак.

Ҳўжалик гиратонини Турон Ҳасанов савдо хизмати кўнгилдагидек эканлиги ҳақинда гапирди.

— Дўканларда ҳамма нарса бор: ун, мой, гуруч, совун... Фақат пул керак. Пул учун эса ишлаш зарур. Кутубхоналар фаолиятдан эса сира қониқиб бўлмайдилар. Уқиланган янги китоблар анқонинг уруғи. Газеталарга обуна бўлишга ҳаммамиз ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Агар қишлоқ кутубхоналарида ақалди 5-10 нусхадан вилоят ва республика газеталари бўлиши таъминланса, улардан бутун қишлоқ аҳли баҳраманд бўлардики?

Мақур ҳўжалигининг Жарбоши, Вали, Қоракхон, Қўрмулто, Гулистон, Новали, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигининг Сортой, Чопарошли, Уроғтой, Султонғоли қишлоқлари аҳолиси ҳам маданий хизматдан қониқмаётганини айтишди.

Эҳтимом, бу фикрлар туман раҳбарларига малол келар? Лекин ойна этак билан ёпиб бўлмаганидек, ҳақиқатини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Халқ эса ҳаминша ҳақ сўзни айтади.

Абдурусул САТТОВРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Бозор инфратузилмаси

Корхоналарнинг сотувга қўйилган қимматли қоғозларини сотиб олиб, унга эгаллик қилсангиз, улар сизга мўмай даромад келтиради, ҳамёнингизга барака киритади. Мухбиримизнинг Давлат мулки қўмитаси Андижон вилоят бозор-маси бошлигининг ўринбосари, қимматли қоғозлар маркази бошлиғи Нигора ЕКУБОВА билан суҳбати шу ҳақда.

Акциялар хорижликларга сотилаяпти

— Қимматли қоғозлар бозорида ҳам ислохотларни чуқурлаштириш давр талабидир, — дея сўз бошлади марказ бошлиғи. — Негаки, қимматли қоғоз эгаларининг иқтисодий-ҳўқуқий биланларини ошириш уларни кенг қўлама қўллаб-қувватлаш, республикамиз фонд бозорига маҳаллий ва хорижий сармоядорларни кенг жалб этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бинобарин, бугунги кунда вилоятимизда рўйхатдан ўтган 321 та очик, 10 та ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг 18333195 дона акцияларини сақланган ҳолда уларни мунтазам равишда сотувга қўймоқдамиз.

Айтиш лозимки, эгаллик ҳисси қарор топган жамоаларда ўсиш, ўзгартиш борлиги кузатишмоқда. Муваффақиятлар эса ҳар икки томон, яъни жамоа учун ҳам, корхона учун ҳам катта манфаат келтираётди. Шу ўринда биз акциянинг номинал қиймати нисбатан 1247,5 фоиз кўп даромад олган Андижон тумани но ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, «Андижонфурқаройиҳ» институти, Пойтуғ, Қўрғонтепа пахта тозалаш корхоналарини мисол сифатида келтириш мумкин. Ушбу меҳнат жамоаларининг ҳиссадорлари қандай қилиб бойиш, катта даромадга эга бўлиш мумкинлигини ўзларининг фаолиятлари мисолида англаб етмоқдалар.

Бироқ, Андижон 1-қурилиш-монтаж бошқармаси, Шаҳри-хондаги бўрдоқчилик корхонаси, Олтинқул но ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти сингарии бир қатор жамоаларда меҳнат унумдорлиги паст бўлганлиги, қўзланган натижаларга эришилмаганлиги учун ҳам, акциядорлар зўр-базўр жалб қилинган маблағларнинг ярмига эга бўлмоқдалар. Корхоналар ва хусусийлаштириш инвестиция фондларининг раҳбарларига белгиланган дивидендларни эгаларига ўз вақтида берилишини таъминлашлари, аке ҳолда жаримага тортилиши муқаррарлиги уқтирилмоқда. Шунга қарамай қонун талабларини бузиш ҳоллари учраб турибди. Бундай салбий ҳолатларга барҳат бериш учун биринчи навбатда ҳар бир акциядор ўз ҳўқуқини, жамиятни бошқаришдаги ўз ўрнини билиши керак. Қолаверса, акциядорлик жамиятларининг умумий йиғилишларида жамиятга етказилган зарар айнан раҳбарларнинг ўзларидан ундириб олинди, деган қарорга келинса, улар ўз вазифасига жиддий муносабатда бўлар эди. Мен бу гапларни жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайлида анқиланган қонунобузарлик ҳолатлари бўйича жамиятларга нисбатан 16070.800 сўм ва бошқа асослар бўйича эса 4.761 сўм, ҳаммаси бўлиб 20.832 550 сўм миқдоринда иқтисодий жарима чоралари қўлланилганлиги учун айтман.

Дивидендларни белгиланган муддатларда тўламаган жамиятларга муддатли кўрсатмалар берилиб, ижроси нўрсатма олинмоқда.

— Маълумки, Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги 97-қароринда қатор корхоналарнинг назорат қилини ёки улардаги акцияларнинг катта қисмини хорижий сармоядорларга сотиш белгиланган. Бу борда қандай ишлар қилинди?

— Ушбу қарорга мувофиқ, 2001-2002 йилларда вилоятда жойлашган 15 та корхонанинг акция пакетлари қисман ёки тўлалигича чет эл инвесторларига сотилиши белгиланган. Хусусан, «Ўзкимёсанот» уюшмасига қарашли «Андижон биокимё» ҳиссадорлик жамияти ва «Андижонкабель» корхонаси яқка тартибдаги дийдорлар бўйича хорижий инвесторлар иштирокида акциялаштирилди. Шунингдек, «Подшипник» «Асакалрандачилик»

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР. ДЕПОЗИТАРИЙ. ДИВИДЕНД.

Ишбилармонликда гап кўп...

Сурхон воҳасининг йирик корхоналаридан бири бўлган «Сариосиёсувқурилиш» ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда, бу ҳақиқатнинг тўғрилиги яна бир қарра амин бўлди. Бундан икки йил аввал очик турдаги ҳиссадорлик жамияти сифатида рўйхатта олинган мақур корхона яна қайта оёққа турди. Бутунлай тарқалиб кетиш даражасига тушиб қолган жамоага тадбиркор Фахридин Низомидинов раҳбар этиб сайланган, қисқа муддатда кишини қувонтирадиган натижаларга эришила бошланди. Мисол учун, 2000 йилда ўн миң нафардан ортиқ ҳиссадорлар меҳнат қилаётган корхонада 849 миллион 815 миң сўмлик иш бажарилиди. Утган йили бу кўрсаткич қарийб 1 миллиард 713 миллион сўмни ташкил этди.

Албатта, шу ўринда «меҳнат қандай бундай юқори самарадорликка қандай қилиб эришмоқда», деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Айтиш лозимки, янги раҳбар янги Американи кашф этгани йўқ. Фақатгина бугунги кун талабларини келиб чиққан ҳолда иш юргитди. Жамоа тасарруфидagi ундан ортиқ қурилиш ташкилотлари алоҳида ҳисоб рақамларига эга бўлган мустақил унитар корхоналарга айлантирилди. Натижада ортиқча харажатларга бутунлай барҳам берилди.

Айни пайтда «Сариосиёсувқурилиш» ҳиссадорлик жамияти тасарруфида 13 та юридик корхоналар мавжуд бўлиб, улар халқ ҳўжалиги иншоотлари, сув ҳўжалиги қурилишларида фаолият юрятапти. Жамиятга қарашли ташкилотлар эса Сурхондарё вилоятининг Узун, Саросиё, Денор, Олтинсой, Термиз туманларидаги қурилиш ишларида фаол қатнашмоқда.

Бевосита мустақил унитар корхоналарнинг ҳиссадорлик жамиятига келтирилган нафи ҳақинда икки оғиз сўз. Ҳиссадорлик жамиятининг иқтисодий масалалар бўйича мутахассиси Исомиддин Беговнинг таъкидлашича, мустақил унитар корхоналар ташкил этил-

ган, бошқаришда янги имкониятлар пайдо бўлиб, бу жараён анча энгиллашган. Шунингдек, ҳар бир раҳбар ҳодим, муҳандис-техник, ишчи-хизматчининг масъулияти янада ошган. Бундан ташқари, самарадорлигини ошириш таъминланган. Бу омиллар ўз-ўзиндан ҳиссадорлик жамиятининг умумий ютуқларини келтириб чиқарган.

Айни чоғда ҳиссадорлик жамияти жамоаси, туманлардаги қишлоқ ва сув ҳўжалигига қарашли майдонлардаги коллектор-дренаж қурувларини тозалаш, янги ерларни ўзлаштириш, суғортиш тармоқларини сифатли таъмирлаш ҳамда соғлиқни сақлаш объектиларига кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Шу билан бирга, ўтган йили Узун туманида 750 ўринли касб-ҳўнар коллежи, 50 кишига мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти, Денор туманида 360 ўринли мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Корхонада зарур қурилиш материаллари ва хомашёлари ишлаб чиқаришга ҳам кўл урилди. Жумладан, қисқа фурсат ичида хомашёлари қайта ишлаш, алибастр тайёрлаш, дурадорлик, оҳақ пиширадиган ва ускуналарни таъмирлайдиган кичик цехлар ишга туширилган, ортиқча сарф-харажатларга чек қўйилди. Тежаб қоралинган маблағлар эса ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофазалашга йўналтирилмоқда.

Қурилишда инсоннинг энг яқин ҳамқори — бу техника ва механизмлардир. Уларсиз соҳанинг келажакини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Шунинг учун яқинда жамоа мавжуд эксковатор, бульдозер, эксковатор-кран, ортчи-тушириш мосламалари, автотрейлер, тепловоз, тракторлардан иборат жами 177 та техника ва механизм тўлик таъмирдан қилинди. Бу эса иш суръати ва самарасининг ошишини таъминлади.

Пировардида ҳиссадорлик жамияти 2000 йилни 2 миллион сўм соф фойда билан якунлаган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 48 миллион 270 миң сўм ўрнига 74 миллион 23 миң сўмни ташкил этди. Унинг 40 фоизи ишлаб чиқариш базисини тақомиллаштиришга, 60 фоизи эса ҳиссадорлар дивиденд сифатида беришга йўналтирилди. Бу ҳол шубҳасиз, ҳиссадорларнинг мулкка эгаллик туғунини кўчатириди, эртанги кунга ишончини орттирди.

Бундан ташқари, ўтган вақт мобайлида республика ҳукуматининг иккиламчи бозорни ривожлантириш, содаллаштириш борасидаги кўрсатмалари бўйича Марказий депозитарий воситасида сармоядорларга замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайлида иккиламчи бозорда 4.3356.132 дона акция, шу жумладан, валюта тушуми бўйича тузилган битимлар ҳисобига 96,744 дона акция савдога чиқарилди.

Утган даврда иккиламчи биржа бозоринда брокерлик идоралари фаолият ҳам бирмунча жонланганлиги кўзга ташланди. Воситаси сармоядорлар талаблари бўйича брокерлик идоралари томонидан «Тошкент» РФБ орқали «431-акциядорлик жамияти»нинг 130675 335 дона акцияси иккиламчи бозор савдосига қўйилган.

Шундай қилиб, Марказий депозитарий жорий йилнинг октябр ойига қадар 17 бошқарув компанияси етакчилигида 33 та ХИФ реестрида ҳиссадор олинган 59.710 нафар акциядорларга хизмат кўрсатди. Улардан 86 нафари юридик шахслар, 59624 нафари жисмоний шахслар бўлиб, «депо» ҳиссадорларида жами 1.833.543 дона акцияга эга бўлганлари ҳолда депозитарий хизматини тўлиқ фойдаланди.

Шу тариқа, республика Давлат мулки қўмитаси ва унинг қосидаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг бевосита раҳбарлигида хусусийлаштирилган инвестиция фонди эгалари резидент ва норезидентларга, қимматли қоғозлар бозоринда фаол иштирок этаётган акциядорларга, шу эҳсонда иш ташкил этаётган юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда инвесторларга депозитарий хизмати кўрсатиш йил сайин тақомиллашмоқда. Унинг хизмат доираси тўбора кенгайиб, мамлакатимизга чет эл инвестициясини кенг қўламли жалб этиш имконини берапти.

Шунингдек, хусусийлаштириш инвестиция фонди эгалари эгаллик қилиш, улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар реестрини юртини, сақлаш, уларнинг давлатдан олган кредит қарзларини тўлаганларига қадар хусусийлаштирилган инвестиция фондалари бунинг тасдиғидир.

Шунингдек, хусусийлаштириш инвестиция фонди эгалари эгаллик қилиш, улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар реестрини юртини, сақлаш, уларнинг давлатдан олган кредит қарзларини тўлаганларига қадар хусусийлаштирилган инвестиция фондалари бунинг тасдиғидир.

Шунингдек, хусусийлаштириш инвестиция фонди эгалари эгаллик қилиш, улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар реестрини юртини, сақлаш, уларнинг давлатдан олган кредит қарзларини тўлаганларига қадар хусусийлаштирилган инвестиция фондалари бунинг тасдиғидир.

Шунингдек, хусусийлаштириш инвестиция фонди эгалари эгаллик қилиш, улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар реестрини юртини, сақлаш, уларнинг давлатдан олган кредит қарзларини тўлаганларига қадар хусусийлаштирилган инвестиция фондалари бунинг тасдиғидир.

Шунингдек, хусусийлаштириш инвестиция фонди эгалари эгаллик қилиш, улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар реестрини юртини, сақлаш, уларнинг давлатдан олган кредит қарзларини тўлаганларига қадар хусусийлаштирилган инвестиция фондалари бунинг тасдиғидир.

Шунингдек, хусусийлаштириш инвестиция фонди эгалари эгаллик қилиш, улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар реестрини юртини, сақлаш, уларнинг давлатдан олган кредит қарзларини тўлаганларига қадар хусусийлаштирилган инвестиция фондалари бунинг тасдиғидир.


Б.ОСТАНАКУЛОВ, О.ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбирлари. Х.МАТКАРИМОВ, Ж.СУҚУЛОВА, журналистлар.

Касаба уюшмаси ҳаёти

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш билан бирга, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

лари қамайдигли сабабли қисқартирилган. Текшириш жараёнида маълум бўлдики, унинг иш ўрни янги штат жалвалидан чиқарилмаган, яъни қисқартирилмаган.

Сайловлар



Шрёдер — Германиянинг янги канцлери

Герхард Шрёдер Германия канцлери этиб сайланди. У кейинги тўрт йилда мамлакат Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилди.

Парламент сайлови

Голландияда янги парламент сайловлари 2003 йилнинг 22 январига тайинланди. Муддатидан аввал ўтказилади деган шубҳа билан парламентнинг истеъфога чиқиши муносабат билан ўтказилди.

Ажиб дунё

«Шифокор» қуш

Уэльснинг Кардиф шаҳридаги гипноз клиникасида 4 ёшли тўтиқуш мижозларни қабул қила бошлади. «BBC NEWS»нинг маълумотиغا қараганда, Жесси исми бу тўтиқушнинг асосий мижозлари руҳий толиқшдан қийнаётган ишбилармонлардир.

Террорчилик

Прокурор ўринбосарининг айтишича...

Италияда Афғонистондаги машғулот лагерларида тайёрларик курган 2000 дан зиёд мужоҳидлар яширинган. Милан прокурори ўринбосари Стефано Дамброзо халқаро террорчиликка қарши курашга бағишлаб Латина шаҳрида ўтказилган симпозиумда сўзлаган маърузасида ана шу ҳақда маълум қилган.



Қашфиёт

Ўсимлик ёғидан — ёнилғи

Буюк Британияда ўсимлик ёғининг чиқиндисидан дизель ёнилғиси ишлаб чиқарила бошланди. Мутахассисларнинг фикрича, «XXI аср биоёнилғиси» нефтдан олинган дизель ёнилғисидан 20 фоиз арзон.

Ўзаро муносабатлар

Энг йирик мажмуа

Чили ҳукумати ва Европа Жаңубий обсерваторияси (ЕЖО) Сантьягода жаҳонда энг йирик обсерватория қуриш ҳақида шартномани имзолади. ЕЖО бош директори Катрин Сераскининг айтишича, астрономик кузатишлар олиб бориладиган ушбу мажмуа ўзига хос «конт дарчаси» бўлади.

Мақсад — эзгулик

Келатган мурожаатлардан аён бўлмадики, айрим иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси талабларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари йўл қўйилмоқда.

маган. Бундан ташқари, иш берувчи ходимга меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи эканлигини уч кун аввал ёзма равишда маълум қилиши керак эди.

валги ишига тиклади. Унга мажбуран бекор юрган вақти учун 292 минг сўм моддий, 200 минг сўм миқдорда маънавий зарар ундириб берилди.

Таъкидлаш керакки, республика касаба уюшмалари кўмиталарининг аралашуви билан қўйилган қўпол равишда бузиш ҳолатлари асосан равишда ўз ишларига тикланадиган иш берувчилардан уларга етказилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилмоқда.

Яна бир мисол. «Қашқадарётранс» давлат акциядорлик бирлашмасига қарашли 62-«Дехқон-обод» ОТАЖнинг собиқ ходими Бекмирза Шабкаров 2000 йилнинг июль ойида ишдан бўшатилган, ammo у билан 2001 йилга қадар ҳисоб-китоб қилинмаган.


— Иш ўрни қисқарганлиги туфайли мен билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган эди, — дейди «Ўзғасот» иш берувчиси вақтинчалик ҳудудий ваколатхона ходими Феруза Самадова. — Ammo менга иш берувчи томонидан қонун асосида моддий мадал пули тўланмади.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, ўша даврда Х.Сувонова бегоблиги туфайли ишла бўлмаган. Шунингдек, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун бошланғич касаба уюшмаси кўмитасининг розилиги сўралмаган.

Ариза ва шикоятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иш берувчилар томонидан йўл қўйилган қўпол равишда бузиш ва камчиликлар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам учраб турибди.

Касаба уюшмаси кўмитаси кўмағида янги Ангрен ДИЭС ишчиси С.Аминовнинг иш берувчи томонидан қонунга зид равишда ойлик мукофотлардан маҳрум қилинганлиги ҳам аниқланди, унга тегишли бўлган мукофот пули ундириб берилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, журналист.



Қишлоқда қурувчио дуралгорнинг ошиғи олчи. «Хунарли хор бўлмас» деган мақол айнан ана шу соҳа кишиларига айтилгандай. Негаки, ёшларнинг улғайиши, янги оилаларнинг бунёд бўлиши янги уй-жойлар қуришга эҳтиёж туғдиради.



СУРАТЛАРДА: ўқитувчи Аъзамжон Мусаев машғулот ўтатиши; коллеж бизнесининг умумий қўрилиши. Тоқиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Кейинги йилларда тезкор алоқа хизмати ҳаётимизга дадил кириб бориб, унинг ажралмас қисмига айланди. Шунингдек, у бизнес соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этапти.

ХАЛҚАРО АВТОМАТ РОУМИНГ хизмати ҳаммабоп бўлиб борапти

Тезкор алоқа оператори ўз абонентига кўрсатётган хизмат роуминг (инглизча «чөдөт» сўзидан — юрт кезуви, сайёҳ), дейилади. У битта операторнинг таъсир ҳудудидан бошқа мамлакат ёки минтақа оператори ҳудудига ўтишда улузқис алоқани таъминлайди.

Улузқис тезкор алоқа хизмати нисбатан талабнинг ошishi телекоммуникация соҳасида технологияларнинг кескин ўсиши ва ривожланишига олиб келди. GSM андозасининг пайдо бўлиши билан эса вақит тубдан ўзгари. Энди унда ишлаётган операторлар ўз абонентларига тўлақонли икки томонлама халқаро автомат роумингдан фойдаланиш имкониятини яратиб бермоқдалар.

Тезкор алоқа оператори ўз абонентига кўрсатётган хизмат роуминг (инглизча «чөдөт» сўзидан — юрт кезуви, сайёҳ), дейилади. У битта операторнинг таъсир ҳудудидан бошқа мамлакат ёки минтақа оператори ҳудудига ўтишда улузқис алоқани таъминлайди.

Халқаро автомат роуминг тартибини ўрнатган қонун қондоқис инсоннинг асрий оғриқ-умидларини рўёбга чиқарди. Чунки қўнғирок «жой-жой» маъносига эмас, балки «инсон-инсон» мақсадига қилинади. Бундан ташқари, инсоннинг дунё телекоммуникация майдониди янна шахсга айланиши айнан роуминг амалга оширади.

Хозирги вақтда «COSCOM» компаниясининг «Cingular Wireless» Америка компанияси билан тез синовлари ниҳоясига етказилмоқда. Бу ўзбекистонликлар учун АҚШда роумингдан фойдаланишни анча осонлаштиради. Шунингдек, «THURAYA» сунъий йўлдош оператори билан тез тадбирлари ҳам якунланиш босқичини да. У сунъий йўлдош орқали алоқани GSM ва GPS (жой-йўл) аниқлашнинг глобал тизимини ўзига мўжассамлаштиради. «THURAYA» сунъий йўлдош орқали алоқа тизими «COSCOM» абонентларига шарқий ярим шардаги кўпбал мамлакатлар ҳудудига улузқис

ой давомида бутун жамоа билан биргаликда ишланган ва асар бизни янада жиплаштиради, — дейди режиссёр Олимжон Салтмов.

Фуратдан фойдаланиб, янги спектакль баҳонасида яна бир гапни айтмас бўлмайди. Театр томошасига бир мактабнинг 4-5-синф ўқувчилари ҳамда Тошкент давлат иқтисодий университетини қўшилаган лицейнинг йилги-қизлари келишган эди. Кичик ёшдагилар яхши ўтиришди, ammo лицей қўзғаларининг театрга ўзларини тутишларини кўриб, ёқа ушлайсиз. Қизлар бемалол баланд-баланд овозларда бир-бирларини чақириб, қўнғирокларга муносабатларини билдириб, масхараб ўтиришди. Бу борда уларни ҳам айблаб бўлмайди. Театрга бориш маданияти билан ширка бориш маданиятини бир хил тушунишга керак. Бундан нафақат ўқув маскани муаллимлари балки ота-оналар, жамоатчилик ҳам ўйлаб кўриши лозим.

«PARVINA UNIPACK» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ. Турли хил озиқ-овқатлар, тиббиёт воситалари, тўқилуви қурилиш маҳсулотлари учун универсал ўраш материаллари ишлаб чиқариши бошланганини маълум қилади. Оригинал дизайн, бадиий безаш — сизнинг буюртмангизга кўра. Турли шакл ва кўринишдаги таширф қоғозлари, этикеткалар, ёрлиқлар, гулқоғозлар тайёрлаб берилади. ҚИСКА МУДДАТЛАР ВА АРЗОН НАРХЛАР. Бизнинг манзил: Самарқанд ш., Бедил к., 17-уй (мўлжал: «Шинасозлаш» заводи). Телефонлар: (3662) 22-12-65, 33-48-03.

«ПАРВИНА» КОМПАНИЯСИ. юқори сифатли ер ёнғоқли ва ер ёнғоқсиз, Россия технологияси асосида тайёрланган «ПАРВИНА» ШОКОЛАДИНИ жуда арзон нархларда таклиф этади. 30 гр. — 85 сўмдан, 75 гр. — 220 сўмдан, 80 гр. — 220 сўмдан, 100 гр. — 300 сўмдан. Тўлов шакли — турлича. Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 6-уй. Телефонлар: (3662) 33-77-83, 31-07-01.

ЎЗБЕКНИНГ РУСТАМИ ЮРТИГА ҚАЙТДИ

Хиндустоннинг Хайларобод шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон кубоги баҳсларида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов муваффақиятли иштирок этди...

Рустам Қосимжоновнинг пойтахт аэропортида мамлакатимиз спорт жамоатчилиги, журналистлар ва қариндош-уруғлари кутиб олди...

Рустам икки-уч кундан кейин мамлакатимиз терма жамоаси таркибига яна сафарга отланади...

Озод РАЖАБОВ, ЎЗА мухбири.

Тақдирот

Истиклолга эришганимизнинг дастлабки кунлариданоқ барча соҳада ўзгариш рўй бера бошлади...

«Хуришида»

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, «Ўзбектеlevision» студияси томонидан ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг сценарийи асосида суратга олинган «Хуришида» бадий фильми ҳам...

оқибат у ташаббускор қизга таслим бўлади. Мазкур фильмининг ўзига хослиги шунақиси...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ингуз тилида чоп этилади

Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг «Иқтидорли талабалар ва магистрлар» факультетида уюштирилган барча дарслар инглиз тилида ташкил этиладиган бўлди...

«Автомобиль ва трактор двигателлари», «Машина деталларини тиклаш технологияси» деб номланган дарсликлар бу хайрли ишнинг дебосчаси сифатида инглиз тилига ағдарилди...

Акбар АЛИЕВ.

ҲИҚМАТ

Эр икки иши ила қаримас ўзи, Бири яхши феълу бири хуш сўзи.

НИЗОМИЙ НОМИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги кафедралар бўйича бўш бўлган кафедра мудирлари лавозимларига танлов эълон қилади:

- Ўзбек тили тарихи ва Шарқ тиллари; Математика ва уни ўқитиш методикаси; Биология ва уни ўқитиш методикаси; Педагогика ва психология факультети қошидаги психология кафедраси.

Танловда фан доктори, профессор, фан номзоди, доцентлар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш керак: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, ходимлар бўлими.

Телефон: 55-68-70.

РЕКТОРАТ.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҷ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иқтисодий-сўғей ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минакалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Ўйнолар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 977, 27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРИПОВ. Набатчи муҳаррир — У. ФАЙЗИЕВА. Набатчи — М. НОРМУРОДОВА. Мусакхх — Ш. МАШРАББОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 22.20. 1 2 3 4 5 6

Мустақиллик қошоналари

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан бунёд этилган Археология музейи ўзининг жиҳозланиши, экспонатларининг жойлашуви ва томошабинга тушунарли эканлиги билан жаҳондаги энг яхши ўнта музей қаторига кирди...

Хаммасидан ҳам кўра, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов музей фахрий меҳмонлари китобига битган «...Музей Ўзбекистон замининда яшаётган ҳар қайси инсонга ўз юртининг тарихидан фخرланиш, гуруланишга, Ўзбекистонимиз буюк келажатига ишонч қозонишга беқийс хизмат қилажак», деган сўзлари биз учун муҳим ва қадри.

Термиз Археология музейини жаҳоннинг донгдор музейларига қиёслаганимиз ҳавойи гап эмас. Париж, Дрезден музейлари ўзининг картиналар галереяси билан машҳур. Термиз музейида бўлса таққуридан галереяси яратилди. Унда эрамиздан аввалги I аср эрамининг IV асригача иморатларнинг усту асослари таққуридан ўттизтача намуна кўйилган.

Музейнинг «Қушонлар салтанати даврида Шимоллий Бақтрия маданияти» деб аталган 5-залда иккита ноёб ашё бор — булар фил сўнгидан ясалган шахмат доначалари. Дончалар Эвард Ртвеладзе ва Баҳодир Турғуннов томонидан Далварзиптепадан топилган. Эрамизнинг иккинчи асрида ясалган аниқланган.

Миттигина шу икки доначада катта китобларга сиймай диган сир синоват бор. Хиндистонда чатуранга деган

ўйин бўлган. Шахматга ўхшаган. Шахматга ўхшагани шунақиси, тахтачага доналар икки қатор эмас, тўрт қатор қилиб терилган. Биринчи қаторга филлар, иккинчигача суворийлар, сўнг пилчалар ва ниҳоят, ҳукмдорлар жойлаштирилган. Айтмоқчимизки, хиндистонча чатуранга савдогарлар Бақтрияга олиб келишган, деган тахминлар бор. Лекин Эвард Ртвеладзеннинг қаршичи бошқачароқ ва ҳақиқатга яқинроқ, Ртвеладзе «Шахмат доначаларини маҳаллий усталар ясаганлар ва ерли аҳоли чатурангадан фарқи ўлароқ росмана шахматни ўзлари ихтиро этиб ўйнаганлар», дейди.

Нима бўлганда ҳам, музейга кирган одам шахмат доналаридан узоқлашгани келмай қолади. Тўрт томондан қўйилган дўпчалар орқали доналарга қайта-қайта термулади. Шу доналардан тарихимизни,

унинг узоқ асрлар қарғида порлаб турган саҳифаларини ўқиб, қалбига жо қила бошлагандай бўлади. Ватандан фахрданиш. Ватанга масъулият. Мана энг тарихнинг, ўтмишнинг эртанги кунини хизматига шайланган турган хосиятли мўжизаси!

1938 йили Оқладников ва Опаринлар Маҷай қишлоғи (Бойсун тумани)даги Тешиктошдан 40 минг ёшли боланинг деври дара топмаган суякларини топди. С.Герасимов боланинг болни суягига қараб

нинг биринчи — «Тош даври» деб аталган замидаги энг ноёб кўргазма — Бойсун одам бош тасвири макетидир. У яшаган даврда атроф-муҳит музликлар билан қопланган. Бойсун одам тоғдаги горларнинг илиқ кунжақларида истекомат қилган. Тошдан болта, омон, руда майдалагич, болдоқ ясаган. Ва ёғур тушадиган горларга суратлар чизган.

Сурхондарёда 900 дан ошмиқ тарихий ёдгорликлар бор. Шулардан ярами расмий рўйхатларга киритилган. Бу ёдгор-

лар бизни яна хаёлар, ҳикматлар водийсига чорлайди. Ўйлангилари. Мушоҳадага ундайди. Шулар замида эса яна фахр ва ифтихордек буюк неъматнинг янги-янги кунрақлари яшай бошлайди.

Ҳа. Термиз музейи мустақиллигимиз шарофати билан яратилган тарих китоби, ёзувлари ўчмайди, варақлари титилмайдиган китоб. Таржимасиз ўқиб тушунадиган, ҳар бир ҳарфи, белгисидан янги-янги китоблару дostonлар яратса бўладиган бебаҳо хазина.

на. Ватандан фахрданиш ва Ватанга масъулият дастурини сабоқ берувчи эҳром. Даврларни, армонларни, умидларни туташтириб турган чорраҳа. Сизни эртанги куннинг албатта ёғур бўлишига даъват этувчи, нишонтувчи чорраҳа. Термиз Археология музейи. Бу ерга сиз ўтмишини кўраман, ўтмиш билан танишаман, деб келасиз. Ва минг томоша қилганингиз билан она-юрт дийдорига тўймаганингизни, бу азиз дийдорга тўйиб бўлмаслигини ҳис этган бўлиб чиқиб кетасиз. Шунданми, музей кўзингизга Ватан меҳридек сирли-маҳабатли бўлиб кўринаверади.

Ўз эшикларини Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида очган бу тарих қошонай халқимизга, маданиятимизга бебаҳо совға бўлди.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Термиз музейи — тарихимиз қомуси

НА ЛЮБОЙ ВКУС 5 ЛУЧШИХ СОРТОВ ИЗ ВЕНГРИИ РАСФАСОВКА В КОРОБКАХ ПО 1 КГ. ГАЗОННАЯ ТРАВА РАСХОД 35 - 40 КВ.М. ПО ЦЕНЕ 7,5 ТЫС. СУМ. ЗА 1 КГ. Т.: 137-13-43, 127-99-62, 180-35-05

АЛ-ЗАМИ ВИТРАЖНЫЕ СИСТЕМЫ ОКНА ДВЕРИ КОМПЗИТНЫЕ ПАНЕЛИ А также ПРОИЗВОДИМ СТРОИТЕЛЬНО-ОТДЕЛОЧНЫЕ РАБОТЫ доставка и установка по городу Ташкенту - бесплатно! ТЕЛЕФОН: 195-41-53 Изготовление по размерам заказчика. 187-44-86, 188-88-42

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК "Lok Kolor Sintez" QK ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА Лак-бўёқ маҳсулотлари таклиф этади: Қурилиш объектлари учун: уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари; ташқи деворлар учун бўёқлар; том учун бўёқлар; алкид ва акрилат эмаллари; полларни бўяш учун бўёқлар; ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар; мебель учун рангли лаклар; грунтровка ва шпатлевкалар; L 80, 100, 120мм. ли михлар; эмульсиявий, силикатли елим. Саноат объектлари учун: универсал алкид бўёқлари; том учун бўёқлар; алкид-уретан эмаллари; акрилат эмаллари; мебель учун рангли лаклар; грунтровка ва шпатлевкалар. Сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган. Кўрна-ёстиқ буюмлари: кўрна жилдлари; чойшаблар; турли ўлчам ва рангли ёстиқ жилдлари; шунингдек: дастурхонлар; дастурхон ва 6 та ип газламали салфетка; ип газламали салфетка; 85x50 ўлчамдаги сочиқлар. шунингдек, мижозлар буюртмасига кўра, бошқа махсус кийимлар. МР-3 русумли ЭЛЕКТРОДАЛАР

Ўзбекистон Миллий банки Юнусобод филиалининг 11 рақамли тўрт бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институтига жамоаси лаборатория мудирини, биология фанлари докторини, профессор Мамажон МУРОДОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбарияти ва Ўзбекистон Республикаси авиацияшура кассаба уюшмаси МК раёсати МАК Бош директори ўринбосари Жовдат Сандовта отаси Аҳмед САИДОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти жамоаси илмий ходим Э. Аҳмедовага отаси Раҳматулла АҲМЕДОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.